

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.3/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАШМУХАМЕДОВА ГУЛНОЗА РАВШАНОВНА**

**СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ АСОСИДА БАНК**  
**РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economics sciences**

**Ташмухаммедова Гулноза Равшановна**

Сифат менежменти тизими асосида банк рискларини  
бошқариш..... 3

**Ташмухаммедова Гулноза Равшановна**

Управление банковскими рисками на основе системы менеджмента  
качества..... 29

**Tashmukhammedova Gulnoza Ravshanovna**

Banking risk management based on the Quality Management  
System..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 61

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.3/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАШМУХАМЕДОВА ГУЛНОЗА РАВШАНОВНА**

**СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ АСОСИДА БАНК РИСКЛАРИНИ**  
**БОШҚАРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt780 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифанинг ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:** Махмудов Носир Махмудович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Жумаев Нодир Хосиятович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
Махкамова Мамлакат Абдукодировна  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.3/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «28» январ куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4105 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72. факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «12» январ куни тарқатилди.  
(2022 йил «12» январ даги 7 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]  
М.П.Эшов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

[Signature]  
Б.Т.Бердияров  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

[Signature]  
С.К.Худойкулов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д. доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон банкининг 2021 йил июндаги маърузасида таъкидланганидек, кўпчилик мамлакатлар COVID-19 пандемияси ва унинг оқибатларини бартараф этишда қийинчиликларни ҳали ҳам енгиб ўтишолмади. 2021 йил умуман бутун дунёда иқтисодиётни тиклаш йилига айланди. Молия секторидаги вазият нисбатан барқарорлашган, аммо уни бошқараётганлар олдида рискларнинг тўпланиб қолиши, қарз юкининг хаддан ташқари ортиб кетиши, активларнинг қайта баҳоланиши ва молиявий тизим барқарорлиги пасайишининг олдини олиш учун иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва огоҳлантирувчи чоралар ўртасида мутаносибликни топиш вазифаси турибди. Жаҳон амалиётида банк рискларини бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий воситаси сифатида хизматлар сифати масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Жаҳон ҳамжамиятининг банк менежменти соҳасида қўлга киритган энг муҳим ютуқлари ISO 9001:2015 ва ISO 31000:2009 стандартлари бўлиб, улар сифатни бошқариш тизими ва риск-менежментни банклар фаолиятига мослаштириш имконини беради, бу эса банк рискларини бошқариш самарадорлигини жиддий тарзда оширади. Бугунги кунда жаҳоннинг йирик молиявий муассасаларида операцион рисклардан кўрилган жиддий зарарларни акс эттирувчи статистика олинган. Шу нуқтаи назардан, хизматлар сифатини ва рискларни халқаро стандартлар талабларига мувофиқ комплекс бошқаришнинг аҳамияти ошиб бормоқда ва банк фаолияти учун долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда банк рискларини бошқаришни такомиллаштириш ва СМТни жорий этиш билан боғлиқ илмий-услубий, илмий-назарий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Базель қўмитаси томонидан ишончли банк амалиёти масалалари бўйича нашр этилган ҳужжатларда банклар томонидан ўз фаолияти стратегиялари ишлаб чиқилиши ва уларни амалга ошириш бўйича ҳисобдорлик тизими ўрнатилиши зарурати таъкидланмоқда. Шу муносабатда, СМТни жорий этиш самарадорлигини ошириш ва сифатни таъминлаш, банк рискларини бошқариш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда операцион рисклар даражасини пасайтириш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар қўламларини кенгайтириш талаб этилади. Шунингдек, банклар фаолиятида операцион рискларни бошқариш тизими диагностикаси, рискларни баҳоланишнинг сифат ва миқдорий усуллари, операцион рискларни ҳисоблашга ёндашувлар каби устувор йўналишларда ҳам илмий изланишлар олиб боришга катта эҳтиёж мавжуд.

Ўзбекистонда банклар молиявий барқарорлигини оширишнинг зарур шартларидан бири ҳисобланадиган ҳамда уларнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги ва самарадорлигининг пойдевори бўлмиш ISO-9001 халқаро стандарти талабларига мувофиқ банк фаолиятини сертификатлашга муҳим аҳамият берилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўз фаолиятига СМТ жорий этган компанияларнинг сони кун сайин ошиб бормоқда. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, Сертификатланган сифатни бошқариш тизимлари давлат реестрига республиканинг 10531та корхонасида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ сертификатланган 10807та СМТ тизимлари киритилган.

Бундан ташқари, республикада сифат стандартларини жорий этган банкларнинг сони ҳам ортиб бормоқда, улар банклар умумий сонининг 60 фоизини ташкил қилади. Республикани 2017-2021 йилларда ривожлантириш Стратегиясининг устувор йўналиши сифатида “илғор хориж амалиёти асосида банк-молия тизимини янада ривожлантириш бўйича асосий чора-тадбирлар”<sup>1</sup> белгиланган, уларга, масалан, банк молиявий аҳволини ёмонлаштирувчи омилларга тезкор таъсир кўрсатиш ва уларни аниқлаш методикаларини ишлаб чиқиш, банк рискларини бошқариш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш, мижозларга замонавий банк хизматларини кўрсатиш бўйича самарали фаолиятни амалга ошириш, мижозлар эҳтиёжларини доимий мониторинг қилиш, ҳар бир мижоз эҳтиёжини тўлақонли қондириш учун банк хизмати маданиятини ошириш кабилар қиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги»ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон “Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда сифатни бошқариш тизимлари ва усулларини ривожлантириш стратегик аҳамиятга эга. Шунга кўра, бу соҳадаги тадқиқотлар жуда долзарб ҳисобланади, чунки сифат менежменти тизими барча корхоналарда, хусусий компанияларда, хизмат кўрсатиш соҳасида ва ҳаттоки давлат ташкилотларида ҳам қўлланилади. Ушбу ишда СМТ асосида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон.

банк рискларини бошқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари ўрганилади.

Таъкидлаш лозимки, АҚШ ва Япония каби мамлакатлар ҳамда Ғарбий Европа СМТ концепциялари ва тамоийлларига асосланган сифат менежменти тизимининг илмий-назарий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. Ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борган хорижий мутахассислардан Э.Деминг, Дж.Джуран, К.Исикава, Ф.Кросби, А.Фейгенбаум, Дж.Харрингтон, В.Шухарт, Г.Нив, Л.Закса, Д.Мердока, П.Друкер ва бошқалар<sup>2</sup>, Россия олимларидан Ю.Адлер, Н.К.Розова, Г.Г.Азгальдов, Б.Л.Бенцман, В.В.Бойцов, В.Г.Версан, Н.В.Войтоловский, О.И.Лаврушина, Ю.А.Маленков каби етакчи тадқиқотчиларни алоҳида келтиришимиз мумкин.

Банк соҳаси масалалари, сифат менежменти тизимлари, шунингдек молия соҳасидаги бошқа жиҳатлар С.С.Ғуломов, Н.Х. Жумаев, Ш.З. Абдуллаева, О.О. Олимжонов, Н.М. Махмудов, А.А. Омонов, Т.М. Коралиев, Б.Т. Бердияров, Х.Х. Рахматов, М.Б. Хамидулин, Н.Г. Каримов, А.Ш. Бекмуродов, О.Б. Сатторов, Р.Р. Тожиев<sup>3</sup> каби республикаимиз олимлари томонидан ўрганилган.

Бу йўналишда хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари муҳим назарий-услубий манба бўлишига қарамай, банк хизматлари сифатини тизимли

---

<sup>2</sup> Деминг Э. Менеджмент нового времени. Простые механизмы, ведущие к росту, инновациям и доминированию на рынке. – М.: Изд. «Альпина Паблишер». 2019. -189 с.; Джуран Дж. Managerial Breakthrough: The Classic Book on Improving Management Performance. Изд. «McGraw-Hill; Rev edition». 1995. - 492 с.; Исикава К. Японские методы управления качеством. – М.: Изд. «Экономика».1988. - 215 с.; Кросби Ф. Quality is Still Free: Making Quality Certain in Uncertain Times. Изд. «McGraw-Hill». 1995. - 375 с.; Фейгенбаум А. Контроль качества продукции. – М.: Изд. «Экономика». 1986. - 284 с.; Харрингтон Дж. Совершенство управления знаниями. – М.: Изд. «Стандарты и качество». 2004. - 278 с.; Шухарт В. Статистическое управление процессами. – М.: Изд. «Альпина Паблишер». 2016. - 348 с.; Нив Г. Организация как система. – М.: Изд. «Альпина Паблишер». 2011. - 359 с.; Закса Л. Статистическое исследование. – М.: Изд. «Статистика». 1976. - 289 с.; Мердока Д. Социальная структура. – СПб.: Изд. «ОГИ». 1998. - 219 с.; Друкер П. Энциклопедия менеджмента. – Издание на русском языке. – М.: ООО «Издательство «Эксмо», 2012.

<sup>2</sup>Адлер Ю. Альтернативный менеджмент. Путь к глобальной конкурентоспособности. – М.: Изд. «Статистика». 2010. - 236 с.; Розова Н.К. Маркетинг. Издательский Дом ПИТЕР. 2010. - 208 с.; Азгальдов Г.Г. Что такое качество? – М.: «Экономика», 1968. - 135с.; Бенцман Б.Л. Пути лучшего использования производственных фондов предприятий. – М.: Кн. изд-во, 1961. – 238 с.; Бойцов В.В. Технологическое проектирование и управление качеством. – М.: Академия исторических наук, 2011. - Т. 2. - 800 с.; Версан В.Г. Техническое регулирование. Учебник. – М.: Изд-во «Экономика», 2008. - 678 с.; Войтоловский Н.В. Экономический анализ в 2 ч. Часть 1. 7-е изд., пер. и доп. Учебник. – М.: Изд-во «ЮРАЙТ», 2018. -292 с.; Банковский менеджмент: учебник / кол.авторов; под ред. д. э. н., проф. О.И. Лаврушина. - 3-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. - 560 с.; Маленков Ю.А. Стратегический менеджмент: учеб. – М.: Проспект, 2009. - 224 с.

<sup>3</sup> Махмудов Н.М. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Учебник. - Т.: Изд. «Фан ва технология», 2014.- 315 с.; Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. Рисола.- Т.: ЖИДУ, 2009.; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия. 2004. – 304 с.; Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия. 1999. -254 с.; Омонов А.А., Коралиев Т.М. Пул, кредит ва банклар. Дарслик.-Т.: «Иқтисодиёт ва молия». 2012. -312 с.; Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги. Номзодлик диссертацияси автореферати. –Т.: 2002.; Рахматов Х.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банк менежментида активларни бошқариш механизмини такомиллаштириш. – Т.: 2011.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Монография.-Т.: Молия, 2008.-204с.; Каримов Н.Г. Роль банковского контроля в противодействии легализации незаконных доходов в Республике Узбекистан. Материалы научной конференции с международным участием. Институт промышленного менеджмента, экономики и торговли. СПб. 2018.; Бекмуродов А.Ш. Ўзбекистон ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йўлида. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия. 2014. -237с.; Сатторов О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, БМА, 2008. – 21 б.; Тожиев Р.Р. Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришнинг инновацион стратегияси («Агробанк» ОАТБ мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ, 2011.

бошқаришнинг айрим масалалари тўлиқ ўрганилмаган. Бу эса банк хизматлари сифатини бошқариш соҳасидаги назарий ишланмалардан амалиётда фойдаланиш ва СМТ асосида банк рискларини бошқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини излашда ўз ифодасини топган назарий ва амалий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади. Шунинг учун, ушбу тадқиқотда банкларда СМТни жорий этишнинг ютуқ томонлари ва афзалликлари, шунингдек, сифатни таъминлашга боғлиқ ҳозирги муаммолар ёритилган. Олинган маълумотлар СМТ асосида банк рискларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун таҳлил қилинган.

**Диссертация мавзусининг диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини барқарор ривожлантириш шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сифат менежменти тизимини жорий этиш асосида банк рискларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сифатни бошқариш соҳасида мавжуд муаммоларни ҳамда банкларда СМТнинг самарасиз ва юзаки амал қилиши ва бунинг улар фаолиятини узоқ муддатли ривожлантиришга ҳамда банк рискларини бошқаришга тўсқинлик қилиши сабабларини очиб бериш;

этироф этилган методикалар ва инструментларни ўрганиш асосида банкларда риск-маданиятни жорий этиш йўли билан операцион рискларни аниқлаш, идентификация қилиш, баҳолаш ва мониторинг қилиш методикасини такомиллаштириш;

ISO 9001:2015 ва ISO 31000:2009 стандартлари негизида банк рискларини бошқариш ва банк операцияларида сифатни таъминлашнинг назарий, ташкилий ва услубий асосларини ўрганиш;

банк рискларини бошқаришнинг шаффофлиги, молиявий барқарорлиги, рақобатбардошлиги ва самарадорлигига эришиш мақсадида банкларда СМТ, риск-менежмент ва корпоратив бошқарувни интеграциялашнинг зарурлигини асослаш;

банк рисклари ва СМТни бошқариш бўйича халқаро тажрибани таҳлил қилиш орқали банк рискларини бошқаришни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган қарорларни ишлаб чиқиш;

чуқур таҳлил асосида банк рискларини бошқариш жараёнини автоматлаштиришни асослаш;

СМТ негизида банк рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасида банк рискларини бошқариш фаолияти олинган.



**Тадқиқотнинг предметини** Ўзбекистон банклари фаолиятида рискларни бошқариш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида қиёсий ва иқтисодий-статистик таҳлил, мантиқий фикрлаш, прогнозлаш усуллари, эксперт баҳолаш, корреляцион ва регрессия таҳлили каби умумий илмий усуллардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларида рискларни бошқаришда натижадорлик синергиясига эришиш мақсадида “корпоратив бошқарув”, “сифат менежменти тизими” ва “риск-менежмент” тизимларини интеграциялаштириш таклиф этилган;

тижорат банкларида операцион рискларни идентификация ва таҳлил қилишнинг сифат (RSCA) ва миқдорий (KRI) индикаторларини киритиш орқали ходимларнинг хатоларини аниқлаш, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ва фирибгарликнинг олдини олиш таклиф этилган;

интеграциялашган тизимда рискларни бошқаришнинг замонавий моделига “банк риск-маданияти” амалиётини киритиш орқали тижорат банклари фаолиятининг ҳар бир жараёнидаги рискларни аниқлаш, баҳолаш ва мониторинг қилиш таклиф этилган;

рискларни бошқаришнинг сифат менежменти тизимида интеграциялаштириш ва автоматлаштириш жараёнларининг банк депозитлари ва кредитлари ўсишига таъсирининг 2025 йилга бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларида операцион риск даражасини ҳисоблашда сифат (RSCA) ва миқдорий (KRI) индикаторлар таклиф этилган;

корпоратив бошқарув, СМТ ва рискларни бошқариш тамойиллари уйғунлаштирилганда синергия юзага келиши, тизимлар кесишган жойда бу синергия банк рискларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун битта асосга айланиши асосланган;

ҳар қандай ташкилотда рисклар бўйича ишлашнинг асоси бўлган ва рискни аниқлаш ва ўлчаш, доимий мониторинг қилиш, назорат, аудит ва интеграциялашган бошқарувни ўз ичига олган банк рискларини бошқариш модели ишлаб чиқилган;

тижорат банклари фаолиятида рискларни бошқаришда “корпоратив бошқарув”, “сифат менежменти тизими” ва “риск-менежмент” тизимларини интеграциялаш ва натижадорлик синергиясига эришиш таклиф этилган;

банк рискларини бошқариш самарадорлигини ошириш ва СМТни жорий этиш асосида операцион рискларни камайтириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Ўзстандарт, Марказий Банк, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни камайтириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган таҳлилий ва статистик маълумотлар, давлат ва хорижий илмий муассасаларнинг илмий-тадқиқот ишлари хулосалари, илмий анжуманлар материалларидан

фойдаланилгани, хулосалар, таклифлар, тавсиялар ва олинган натижаларнинг амалий жорий этилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлардан банк соҳасини оптималлаштириш ва такомиллаштириш дастурлари ва банкларда оператив рискларни камайтириш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш учун манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Мазкур тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлардан мамлакатимиз тижорат банкларида амалиётда фойдаланиш мумкинлигидан иборат. Жараён ёндашувини, тизимни бошқаришни, узлуксиз такомиллашувни, миждозларга йўналганликни ҳамда натижадорликни оширишнинг бошқа воситаларини таъминловчи таклиф этилаётган ва мослаштирилган СМТ модели долзарб ишланма бўлиб, ҳозирги бозор шароитида банклар учун амалий аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ушбу тадқиқот натижаларидан «Банк иши», «Молиявий рискларни бошқариш», «Банк рисклари менежменти» каби фанлар бўйича илмий-тадқиқот лойиҳалари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишда ва уларнинг амалий базасини мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сифат менежменти тизими асосида банк рискларини бошқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банкларида рискларни бошқаришда натижадорлик синергиясига эришиш мақсадида “корпоратив бошқарув”, “сифат менежменти тизими” ва “риск-менежмент” тизимларини интеграциялаштириш таклифи АТБ «Алоқа банк»нинг 2020-2023 йилларга мўлжалланган «Банкнинг риск-менежмент сиёсати»га киритилган ва банк фаолиятида жорий этилган (АТБ «Алоқа банк»нинг 2021 йил 16 сентябрдаги 19-02/3200-сон маълумотнома). Ушбу таклиф яқунларига кўра банклар СМТ, риск-менежменти ва корпоратив бошқарув тамойилларини юқори сифатли стратегик режалаштириш учун интеграциялаш чораларини ишлаб чиққан;

тижорат банкларида операцион рискларни идентификация ва таҳлил қилишнинг сифат (RSCA) ва миқдорий (KRI) индикаторларини киритиш орқали ходимларнинг хатоларини аниқлаш, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ва фирибгарликнинг олдини олиш таклифи АТБ «Алоқа банк»нинг 2021 йил «Кредит сиёсатини ва унинг асосий йўналишлари»да қабул қилинган ва киритилган (АТБ «Алоқа банк»нинг 2021 йил 16 сентябрдаги 19-02/3200-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалда қўлланилиши жараёнларнинг шаффофлиги ва оптималлигини таъминлайди ҳамда жараёнларни автоматлаштириш заруриятини ишончли банк тизимининг истиқболли таркибий қисми сифатида белгилаб беради. Натижада банкда жараёнларни автоматлаштириш, КРІларни ишлаб чиқиш ва такомиллашган СМТ архитектурасини яратиш лойиҳаси ишга туширилган;

интеграциялашган тизимда рискларни бошқаришнинг замонавий моделига “банкнинг риск-маданияти” амалиётини киритиш таклифи АТБ «Алоқа банк»нинг 2020-2023 йилларга мўлжалланган «Банкнинг риск-менежмент

сиёсати»га киритилган ва банк фаолиятида жорий этилган (АТБ «Алоқа банк»нинг 2021 йил 16 сентябрдаги 19-02/3200-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида банк томонидан ушбу менежмент моделидан фойдаланиш ва модель амал қилишини қўллаб туриш учун риск-маданиятни яратиш масалалари кўриб чиқилган;

рискларни бошқаришнинг сифат менежменти тизимида интеграциялаштириш ва автоматлаштириш жараёнларининг банк депозитлари ва кредитлари ўсишига таъсирининг 2025 йилга бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган (АТБ «Алоқа банк»нинг 2021 йил 16 сентябрдаги 19-02/3200-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши натижасида АТБ «Алоқа банк»нинг самарадорлиги 8-10 фоизга ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуман ва 2 та семинарда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий мақола, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 9 та илмий мақола, 2 та хорижий мақола ва илмий-амалий конференцияларда 5 та тезислар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Банк фаолиятида сифат менежменти тизимини жорий этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида сифат менежменти тизимининг моҳияти ва уни банк бошқарувида жорий этиш зарурлиги очиб берилган, сифат менежменти ва банк рискларини бошқариш тизимларини тузиш услубияти изоҳланган ва банкларни бошқаришда сифат менежменти тизимини жорий этишнинг хорижий тажрибаси ўрганилган. Менежмент назариялари, тушунчалари ва сифат тамойиллари кўриб чиқилган, унинг натижаларига кўра сифат менежменти тизимининг эволюцияси ишлаб чиқариш тажрибаси ва етакчи илмий ғоялар ёрдамида босқичма-босқич ривожланишга эга бўлди, деган хулосага келиш мумкин. Эволюциянинг ҳар бир босқичи аввалги тажрибадан баъзи амалиётларни мерос қилиб олган ва менежментга янги ёндашувларни яратган,

аммо сифат менежментининг ривожланиши жараёни бугунги кунда ҳам тўхтагани йўқ.

Маълумки, ISO 9000: 2000 серияси жаҳон ҳамжамиятининг менежмент соҳасидаги муҳим ютуғидир, чунки у корхонада TQM тамойилларига асосланган бошқарув тизимини мослаштириш ва яратиш имконини беради. ISO серияси стандартлари ҳозирги кунда корхоналар учун қулай бўлган тилда сифатни бошқариш ва таъминлаш тизимини жорий этишнинг арзон, ишончли ва самарали усулларидан биридир. ISO 9001 стандарти талабларига мувофиқ қурилган СМТ ташкилий тузилмани, кадрларнинг лавозим вазифаларини белгилайди, шунингдек, якуний маҳсулот ёки хизмат сифатини таъминлаш учун ресурслар, жараёнлар, тартиботлар ва архитектурани ифодалайди.

Сифатни бошқариш билан боғлиқ барча тадқиқотларнинг асосий йўналиши ташкилотнинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигига қаратилган юқори даражадаги мукамаллик ва устунликка эришиш учун мавжуд бошқарув усуллари ва моделларини такомиллаштириш ҳисобланади.

СМТ амал қиладиган усуллардан бири PDCA цикли (Deming цикли) бўлиб, у корхонадаги ҳар қандай босқич ва жараёнларда қўлланилади. Ишлаб чиқариш жараёнида ва ундан кейин доимий текширувлар ёрдамида PDCA сифат масъулиятини жорий этиш жараёни доимий равишда яхшилашга, нуқсонларнинг сабабларини аниқлашга ва нуқсонларни бартараф этишга қадар бутун жараённи қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.03.2020 йилдаги ПФ-5953-сонли Фармони билан 2020 йил - Фан, таълим ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинган, шу сабабли хусусий секторни ривожлантиришни рағбатлантириш, банкларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, банк хизматларининг ҳаммабўлиги ва сифатини оширишга қаратилган банк секторини тубдан ўзгартириш молия тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланган. Юқорида қайд этилган вазифани ҳал этиш учун корхоналарда сифат менежменти тизимининг роли жуда муҳимдир, шунинг учун банкнинг янада тизимли ишлаши учун сифат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш беқиёс аҳамиятга эга. Сифат стандартларини жорий этишнинг асосий мақсади ташкилий мукамалликка эришиш, узлуксиз ривожланиш ва ҳар қандай ташкилотнинг самарадорлигини оширишдан иборат. Банк фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичи сифатида рискларни бошқаришнинг аҳамиятини четлаб ўтиб бўлмайди. Шу муносабатда банк фаолиятининг самарадорлиги - бу нафақат унинг фаолияти натижалари, балки банк рискларини бошқаришнинг самарали тизими, стратегик менежмент ва замонавий банк бошқарув тизимидан фойдаланиш бўлиб, жараёнларнинг сифатини таъминлашни ва қатъий назоратни назарда тутаяди.

Муаллиф банк рискларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун СМТ пойдеворини яратишга қаратилган, банк фаолиятига мослаштирилган СМТ архитектурасини ишлаб чиқишни таклиф қилади. Мазкур ишда банк фаолиятида операцион рискларни баҳолашнинг асосий ёндашувлари ва усуллари ўрганилди. Банк фаолиятида операцион рискларни бошқаришнинг энг

самарали ва амалий усуллари аниқланди. Операцион рискларнинг таъсири барча банк операцияларига дахл қилиши сабабли, уларни бошқариш корхонани комплекс тарзда эътироф этиш, риск тузилмасини батафсил аниқлаш ва уни бизнес жараёнларни яхшилаш учун ишлатиш имконини беради.

Рискларни бошқаришнинг муҳим жиҳатларидан бири – операцион рискларни бошқаришнинг (ОРБ) таркибий асосларини билишдир. Ташкилот фаолиятини такомиллаштириш учун ОРБнинг барча таркибий қисмларини диққат билан ўрганиш ва барча бандлар бўйича таҳлил олиб бориш лозим. Банк рискларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун таклиф ҳам мана шундан иборат. ОРБ тизим томонидан олиб борилади, чунки у банк фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади, ОРБнинг асосий таркибий қисмлари эса қуйидагилар ҳисобланади:

- рискни аниқлаш;
- рискни ўлчаш;
- узлуксиз мониторинг;
- назорат, аудит ва минималлаштириш;
- интеграциялашган бошқарув.

Шундай қилиб, СМТ РБМни жорий этиш ва ташкилотда риск-таҳлилни такомиллаштириш учун мукамал ва самарали йўлқўрсатгич бўлиши мумкин.

Риск-маданият ривожланганда риск-менежменти барча жараёнларни, тизимларни, бошқарув қарорларини, моделларни ва бошқаларни қамраб олади. Риск-маданиятининг асосий таркибий қисмлари:

- ходимларни узлуксиз ўқитиш;
- риск-менежменти воситаларини кундалик амалиётга жорий этиш;
- риск-менежменти воситаларидан фойдаланишга асосланган мотивация ва ҳақ тўлаш тизимини яратиш;

ташкилот ичидаги риск-маданият қадриятлари ва тамойилларининг уйғунлашуви.

Тижорат банкларининг раҳбарияти муаммони имкон қадар эрта аниқлаш учун ходимлардаги ёпиқлик муносабатини бартараф этиши керак. Операцион рискларни самарали бошқаришнинг услубий асоси, биринчи навбатда, СМТни тузиш ва жорий этиш шаклида қулай замин яратиш ҳисобланади, ундан кейин операцион рискларни камайтириш учун уларни бошқариш тизими ишлаб чиқилади ва ишга солинади. Банкдаги рискларни минималлаштириш жараёнида ходимлар томонидан рискларга онгли муносабатда бўлиш, жалб этилганлик ва фаол иштирок этишни таъминловчи риск-маданияти тамал тоши ҳисобланади. СМТни, риск-менежментини ва корпоратив бошқарувни жорий этиш жараёнида улар бир-бирига интеграцияланган бўлиши ва бир-бири билан уйғунлик ҳосил қилиши муҳим саналади. Бу тизимларни бир бутун сифатида тўғри бирлаштирган банк самарали ва истиқболли бўлиши мумкин.


Масалан, Буюк Британияда ушбу аср бошида сертификатланган компанияларнинг ўсиши йилига ўртача йирик корхоналарда 4% ва кичик корхоналарда 7%, сертификатланмаган компанияларда эса ўртача 2% ни ташкил этган. Сертификатланган компанияларда ходим бошига савдо ҳажми бошқа компанияларга нисбатан 40% юқори бўлган. Ва, сертификатланган

компанияларда инвестиция қилинган капитал қайтиши сертификатланмаган компанияларга қараганда 7,7% юқори. Одатда, СМТни жорий этиш 1 йилдан 3 йилгача вақт олади, ўз навбатида, муддат ва жорий этиш самарадорлиги тақдим этилган ресурсларга боғлиқ.

Энг катта рискларга банкнинг ички жараёнлари (62%) ва кадрлар операциялари (91%) сабаб бўладиган рисклар киради. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, банклар ички таҳдидларга нисбатан жуда заиф. Бу эса банк ички бошқарувининг изчиллигини таъминлашга эътибор қаратиш муҳимлигини тасдиқлайди. Натижада, рискларни бошқариш самарали тизимини яратишнинг асосий омиллари бошқарув қарорлар қабул қилиш жараёнида риск тўғрисида маълумотларни ҳисобга олиш - 49%, рискларни аниқлаш ва бошқариш учун тизимли ёндашув - 46%, рискларни бошқариш сиёсатини тўғри ишлаб чиқиш - 37% ҳисобланади. ISO 9001:2015 стандартлари бўйича СМТни тузиш банкларда рискни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва оптималлаштириш учун пойдевор вазифасини ўташи мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, фақат сертификатнинг мавжудлиги зарур натижаларни бермайди, бундан ташқари, СМТ нинг самарали ишлаши учун олий раҳбарият, ходимларнинг жалб қилинганлиги, узлуксиз таълим, сифат мониторинги, алоқа тизимларидан фойдаланиш ва жараёнларни автоматлаштириш каби шартлар ва тавсияларга риоя қилиш керак. Фақатгина барча банк тизимларининг, шу жумладан риск-менежменти сифатини бошқариш тизимининг узлуксиз такомиллашиб бориши сезиларли натижаларга олиб келиши мумкин. Банкдаги СМТ муаммоларига эътибор қаратиш, заиф нуқталарни аниқлаш, тизимдаги номуносибликларни аниқлаш ва тизимни банкларда мослаштириш ва жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг иккинчи «**Ўзбекистонда банклар бошқарувида СМТ жорий этилишининг ҳозирги ҳолати таҳлили**» бобида банк фаолиятида СМТни жорий этишнинг қонунчилик асослари, шарт-шароитлари ёритиб берилган, Ўзбекистон Республикаси банкларида рискларни бошқаришнинг ҳолати ва муаммолари таҳлил қилинди. Бундан ташқари, СМТни амалга ошириш самарадорлигининг иқтисодий таҳлили, шунингдек, СМТ ва банкнинг молиявий кўрсаткичлари ўртасидаги муносабатларнинг регрессион таҳлили амалга оширилди.

Таҳқиқот натижалари, СМТни жорий этган корхоналар сони барқарор ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. 01.01.2020 ҳолатида Сертификатланган сифатни бошқариш тизимлари давлат реестрига республиканинг 10531та корхонасида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ сертификатланган 10807та СМТ тизимлари киритилган. Шунингдек, бугунги кунга келиб СМТ бўйича сертификатланган ва сертификатланмаган банкларнинг маълумотларини тақдим этишимиз мумкин. Қуйидаги расмда кўриниб турибдики, мамлакат банкларининг 60 фоизи ISO 9001 сертификатларига бўлиб, ўз фаолиятида ушбу стандартлар талабларига риоя қиладилар.



**1-расм. ISO 9001 стандартлари бўйича сертификатланган ва сертификатланмаган банклар<sup>4</sup>**

Корхоналарни стандартлаштириш банк фаолиятининг барқарорлиги ва самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади, шунингдек СМТ операцион рискларни камайтиришнинг мукамал воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шу сабабли банк фаолиятидаги рискларни ўрганиш давомида бошқарилиши мумкин бўлган операцион рискларга алоҳида эътибор қаратилди, тўғри ёндашувда бу банкларнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигига ижобий таъсир қилиши мумкин.

2015-2020-йиллар маълумотлари асосида маҳаллий банклар фаолиятини таҳлил қилиш банклар операцион рисклар туфайли жиддий зарар кўраётгани кўрсатди. Масалан, Агробанк операцион риск зарарларининг умумий ҳажмини назорат остида ушлаб туради ва у 650,000 млрд. сўмдан ошмайди, Миллий Банк маълумотлари эса, операцион риск зарарлари 650,000 млрд. сўмдан 1,209,020 млрд. сўмгача кескин ошганлигини намоён этган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Банклардаги операцион рисклар миқдори, млн. сўм<sup>5</sup>**

Банк	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Агробанк	399 651	406 509	567 055	669 031	643 299	654 300
Миллий Банк	629 180	651 548	1 081 776	1 003 433	1 385 290	1 209 020

Тижорат банкининг молиявий кўрсаткичларига омилларнинг таъсирини баҳолаш учун эконометрик таҳлил ўтказамиз, бунда самарали омил (y) сифатида «Алоқа банк»нинг умумий йиллик даромадларини қабул қиламиз.

Регрессорлар сифатида қуйидагилар танлаб олинди:

$x_1$ -банкнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари, минг сўм;

<sup>4</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>5</sup> Агробанк Банк ва Миллий банкнинг операцион рисклар бўйича ҳисоботи асосида (3006CAR-шакл)

$x_2$ -кредитлар ва мижозларга аванслар, минг сўм;

$x_3$ -мижоз маблағлари, минг сўм;

$x_4$ - акциядорлик капитали, минг сўм.

$x_5$ -тақсимланмаган фойда, минг сўм.

Тадқиқот 2012-йилдан 2020-йилгача бўлган даврга оид динамик қаторлар асосида олиб борилди.

Ўзгарувчилар орасидаги корреляцион боғлиқлик 2-жадвалда кўрсатилган.

Барча ўзгарувчилар натижага ижобий таъсир қилади. Энг узвий алоқадорлик банкнинг умумий йиллик даромади билан мижозларнинг инвестициялари ўртасида кузатилади, яъни инвестицияларнинг кўпайиши тижорат банкининг фойдасини сезиларли даражада оширади.

Кенгайтирилган Dickey-Fuller тести (ADF) битта илдизнинг мавжудлиги ҳақидаги нол гипотезасини рад этиш мумкинлигини кўрсатди. Бир нечта регрессия натижалари 2-жадвалда сонли ифодасида келтирилган.

Энг кичик квадратлар усули билан олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, натижада олинган кўп омилли модель куйидаги шаклга эга бўлади:

$$y = -3625456 - 0,08 \cdot x_1 - 0,01 \cdot x_2 + 0,10 \cdot x_3 - 0,05 \cdot x_4 - 0,43 \cdot x_5 \quad (1)$$

Тенглама коэффицентлари ҳар бир омилнинг натижавий кўрсаткичга бошқалари ўзгармаганда миқдорий таъсирини кўрсатади. Детерминация коэффиценти ва Фишер мезони моделнинг аҳамиятини кўрсатади. Дарбин-Уотсон ва Бреуш-Годфри автокорреляциясининг мезонлари унинг мавжудлиги ҳақидаги гипотезани рад этишга имкон берди. Уайт, Гейзер ва Бреуш-Паган-Годфри тестларининг натижалари туфайли биз моделнинг тасодифий қолдиқларининг гетероскедастик мавжудлиги ҳақидаги гипотезани рад этдик.

**2-жадвал**

### Multiple regression model <sup>6</sup>

Dependent Variable: $y$				
Method: Least Squares				
Sample: 2012 2020				
Included observations: 9				
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
$x_5$	-0.426708	0.072576	-5.879468	0.0098
$x_4$	-0.049432	0.081218	-0.608638	0.5858
$x_3$	0.101031	0.013590	7.433932	0.0050
$x_2$	-0.009905	0.022223	-0.445700	0.6860
$x_1$	-0.081767	0.021737	-3.761714	0.0329
C	-3625456.	3732145.	-0.971414	0.4030
R-squared	0.996522	Mean dependent var		65283163
Adjusted R-squared	0.990727	S.D. dependent var		59403204
S.E. of regression	5720466.	Akaike info criterion		34.19172
Sum squared resid	9.82E+13	Schwarz criterion		34.32320
Log likelihood	-147.8627	Hannan-Quinn criter.		33.90798
F-statistic	171.9349	Durbin-Watson stat		2.737743
Prob (F-statistic)	0.000694			

<sup>6</sup> «Алока банк» маълумотлари асосида муаллиф томонидан қурилган <https://aloqabank.uz/>



Аппроксимация хатоси йўл қўйиладиган қийматга эга. Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, қурилган регрессия моделини мос ва статистик аҳамиятли деб эътироф этиш ва ундан прогноз учун фойдаланиш мумкин (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### «Алоқа банк» АТБ энг муҳим молиявий кўрсаткичларининг прогноз қийматлари, млн. сўм<sup>7</sup>


Йиллар	Жами йиллик даромад	Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	Мижозларга кредитлар ва аванслар	Мижозлар маблағлари	Акциядорлик капитали	Тақсимланмаган фойда
2020 (факт)	118 317,5	735 883,0	5 923 797	4 940 189	959 518 796	392 443,7
2021	160 052,8	806 228,1	6 293 516	5 278 188	1 048 035	444 131,0
2022	179 006,8	898 741,0	7 073 312	5 920 618	1 178 369	500 891,8
2023	197 960,7	991 253,9	7 853 108	6 563 049	1 308 703	557 652,5
2024	216 914,6	1 083 766,8	8 632 904	7 205 480	1 439 037	614 413,3

Тузилган эконометрик моделга кўра банк умумий даромадининг ўсишига миждозларнинг омонатлари кўпроқ таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон банк секторида истиқболга қаратилган давлат сиёсатининг асосий мақсади миждозларнинг ўз маблағларини инвестициялашдан манфаатдорлигини ошириш ва банк операцион харажатларини камайтириш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқишдан иборат бўлиши керак.

Тадқиқот давомида муаллиф «Алоқа-банк», «Инфин-банк», «Азия Альянс банк» ва «ТВС-банк» каби банклар орасида сўровнома ўтказди. Натижалар шуни кўрсатдики, СМТ жорий этилгандан сўнг хизматлар сифати, операцияларнинг шаффофлиги ва рискларни бошқариш самарадорлиги юзасидан афзалликлар қўлга киритилди.

СМТ операцион рискларни бошқариш сифатини яхшилашга боғлиқми, деган саволга ижобий жавоб олинди. Аксарият банклар жараёнларни тартибга солиш ва стандартлаштириш, фаолиятни режалаштириш, ҳисобот бериш ва мониторинг қилиш тизими банк тизимида ижобий натижалар келтирганини қайд этдилар (2-расм).

<sup>7</sup> «Алоқа банк» маълумотлари асосида муаллиф томонидан қурилган <https://aloqabank.uz/>




**2-расм. Банклар томонидан муваффақиятли қўлланилаётган сифат менежменти тизими элементлари <sup>8</sup>**

Мамлакатимиздаги акционерлик тижорат банкларидан бирида СМТ жорий этилгандан сўнг жараёнли ёндашувни қўллашни бошлашганда унинг муҳимлиги қайд этилди. Банкда риск-менежменти барча жараёнларга жорий этилиб, фаолиятга рискка йўналтирилган ёндашув қўлланилди. Рискларни аниқлаш учун ҳар бир жараён учун риск-координаторлари ҳам аниқланган. Жараёнлардаги ўзгаришлар риск-менежерлар томонидан келишилгандан кейингина амалга оширилади, қарорлар қабул қилишда жамоавий ёндашув қўлланилади. Оператицион рискларни мониторинг ва назорат қилиш ҳам турли воситалар ёрдамида уларнинг даражасини минималлаштириш учун бошқарилиши керак.

Бундан ташқари, сўралган банк ходимлари операцион рискларни бошқаришда ишлатиладиган воситаларни кўрсатган (3-расм). Ушбу воситаларнинг асосий мақсади профилактик чора-тадбирлар, тузатувчи режалар ва операцион рисклар устидан назоратни таъминлашдан иборат. Риск ва ўз-ўзини назоратли баҳолаш (RSCA), тиклаш режаси (BCP) ва тасдиқлаш каби операцион рискларни бошқариш воситалари энг қулай ва самарали ҳисобланади. RSCAнинг кучли томони шундаки, ташкилот даражасида ҳар бир бўлинма учун рискларни хариталаш мумкин, бу рискнинг оғирлик даражасини кўрсатади. Асосий риск кўрсаткичлари (KRI) рискларни идентификациялашнинг миқдорий усули бўлиб, истиқболли восита сифатида қаралади. Ҳар бир восита учун маълумотлар йиғиш талаб қилинганлиги сабабли, ISO 9001 стандартларининг мавжудлиги маълумотлардан фойдаланишни осонлаштириши, маълумотларни йиғишни эса кераксиз жараёнга айлантириши мумкин.

Шунингдек, банклар рискларни бошқариш фалсафасининг таркибий қисми бўлиши банкнинг риск-иштаҳасини аниқлаш муҳимлиги таъкидланди. Муҳим жиҳати - банкнинг олий раҳбарияти тасдиқлайдиган иштаҳани миқдорий ёки сифат жиҳатидан расмийлаштириш ва ҳужжатлаштиришдир.

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан сўровнома натижалари асосида ишлаб чиқилган.



**3-расм. Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан қўлланиладиган операцион рисклар даражасини камайтириш воситалари<sup>9</sup>**


Рискларни баҳолаш кўпроқ Базел кўмитаси методологияси (стандартлаштирилган ёндашув) бўйича амалга оширилади. Банкларда риск-маданияти банк рискларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун долзарб ва муҳим вазифа ҳисобланади, лекин у ишлаб чиқиш учун навбатда турибди. Шунингдек, таъкидлаш керакки, операцион рискларни сифат жиҳатдан ўлчаш ва аниқлаш учун АТ-ечим ва жараёнларни автоматлаштириш зарур.

Анкета сўровлари жараёнида банк рискларини бошқариш сифатини оширувчи омиллар аниқланди:

- риск-маданиятининг ривожланиши;
- автоматлаштириш орқали рисклар билан шаффоф коммуникацияларни ривожлантириш;
- рискларни ҳисобга оладиган бизнес-қарорлар қабул қилиш.

Муаллиф СМТ самарадорлигини баҳолашга самарали методологик ёндашувни таклиф этади, бу ёндашув турли баҳолаш усулларини ўз ичига олади. Тавсия этилган моделда сертификатлаштирилган ва сертификатлаштирилмаган банкларнинг натижаларини солиштириш, шунингдек, сертификатлашдан олдин ва кейин банкларнинг натижаларини солиштириш учун асосий таҳлил усуллари қўлланилади (4-расм). СМТ самарадорлигини таҳлил қилиш воситаларидан фойдаланиш орқали банк фаровонлиги ҳақида хулоса чиқариш ва банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини баҳолаш мумкин.

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан сўровнома натижалари асосида ишлаб чиқилган.



**4-расм. Банкларда СМТни жорий этиш самарадорлигини комплекс баҳолаш модели <sup>10</sup>**

СМТ лойиҳасида назарда тутилган чора-тадбирларни банк фаолиятига жорий этиш учун бир марталик ва қўллаб турувчи капитал қўйилмалар муаллиф томонидан ишлаб чиқилган формула бўйича аниқланади:

$$K = C_{\text{пр}} + C_{\text{рес}} + C_{\text{серт}} + C_{\text{аудт}} \quad (1)$$

Бу ерда  $C_{\text{пр}}$  - лойиҳанинг смета қиймати (лойиҳалаш, маслаҳат бериш, банк фаолиятига СМТни боғлаш);

$C_{\text{рес}}$  - (инфратузилма + жалб қилинган мутахассислар + ўлчов мониторинг воситалари);

$C_{\text{серт}}$  - СМТ сертификатлаш қиймати ҳақиқий маълумотлар асосида-сертификатлаштириш органлари хизматларининг ўртача қиймати асосида аниқланади.

$C_{\text{аудт}}$ -ташқи аудит қиймати (йилига 1 марта).

СМТни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаштириш учун бир марталик ва қўллаб туриладиган капитал қўйилмаларни ҳисоблаш учун барча харажатларни ҳисобга олиш лозим. Аввало, бу маълумотлар кутилмаган харажатларнинг олдини олиш, стандартлаштиришни олдиндан режалаштириш учун, стандартлаштиришга кетадиган харажатларни чамалаб чиқиш имконини беради. Банк СМТни жорий этишга кетадиган суммани аниқ билса, стандартлаштириш лойиҳасининг қопланиш муддатини аниқроқ ҳисоблаб чиқиш, шунингдек, СМТ фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мумкин.

Диссертациянинг «**Сифат менежменти тизимини жорий этиш асосида банк рискларини бошқариш самарадорлигини ошириш**» деб номланган учинчи бобида банкларда операцион рискларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган ва СМТ асосида банк бошқаруви самарадорлигини ошириш йўллари аниқланган. Риск-менежменти тушунчаси жуда кенг ва мураккаб бўлгани боис, ишда банк фаолиятида операцион рискларни бошқаришнинг энг самарали ва амалий усуллари кўриб чиқилган. Шу сабабли банкдаги рискларни ўрганиш давомида банкда СМТ жорий

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

этилганда бошқарилиши мумкин бўлган операцион рискка алоҳида эътибор берилади.

СМТ бўйича халқаро стандартлар корпоратив бошқарув билан қўшиб олиб борилганда ниҳоятда самарали бўлиб, у менежментдаги муаммоларни мақсадли ҳал этиш ҳамда бизнес-жараёнларнинг ошқоралигини таъминлаш имконини беради. Бундай синергия банк фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига эришишнинг асосий мақсадидир (5-расм).




**5-расм. Корпоратив бошқарув, корпоратив менежмент ва СМТ нинг ўзаро таъсирлашуви тизими <sup>11</sup>**

